



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2005 йил 16 март, № 50 (3595)

Чоршанба

«Сифат»да сифатга эътибор катта



Республика «Сифат» пахта толасини сертификатлаш марказининг Самарқанддаги худудий лабораторияси вилоятдаги тўққизта пахта тозалаш корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган пахта толаси ва момиқларга сифат сертификати бериш билан бирга, маҳсулотларнинг биржалардаги қиймат кўрсаткичларини ошириш юмушларини ҳам бажаради.

Яқинда лаборатория АҚШдаги «Цельвегер Устер» компаниясининг NVI замонавий ускуналари билан жиҳозланган янги бинога кўчиб ўтди. Аини пайтда корхоналар конвейерларидан чиқаётган ҳар бир той пахта толаси ва момиқлардан намуна олиниб, таҳлиллар ўтказилаяпти. Ҳозир Самарқанд вилоятидаги пахта тозалаш корхоналари томонидан бир кунда 450 тоннадан ортиқ пахта толаси ва момиқ тайёрланапти.



СУРАТЛАРДА: ишчи Ойбек Сулаймонов; иқтисодчи Наргиза Отажонова. Т. НОРҚУЛОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ПРЕЗИДЕНТ СЛОВЕНИЯГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 март куни расмий ташриф билан Словения Республикасига жўнаб кетди.

— Словения Европадаги иқтисодий имкониятларга эга мамлакатлардан бири, — деди давлатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида. — Словения иқтисодий ва сийсий ислохотларни муваффақиятли амалга ошириб бормоқда. 2004 йил мамлакатнинг ялпи ички маҳсулот ҳажми тахминан 28 миллиард АҚШ долларига етган. Ислам Каримов Ўзбекистон Европа давлатлари, хусусан, Словения билан ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади. Словения яқинда НАТОга қабул қилинди, Европа Иттифоқининг тенг ҳуқуқли аъзосига айланди. У иқтисодий фаолиятини янада кенгайтириш, Европа бозори имкониятларидан кенгрок фойдаланиш имконига эга бўлди. Ўзбекистон Словения билан фан-таълим, тўқимачилик, фармацевтика, пахтани қайта ишлаш, электроника каби соҳаларда ҳамкорликни самарали йўлга қўйиши мумкин. Узаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун ҳам имкониятлар етарли. Ташриф чоғида икки томонлама қатор ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган. Улар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, сийсий ва ижтимоий ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашга қаратилган.

(ЎЗА).

Ўзбекистон - Германия Молиявий Ва техникавий ҳамкорлик кенгайтирилади

Бонн шаҳрида 2005 - 2006 йилларда молиявий ҳамда техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон ва Германия ҳукуматлараро музокаралар бўлиб ўтди. Мамлакатимиз делегациясига Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг ўринбосари Ш.АБДУЛЛАЕВА раҳбарлик қилди.

Меъбон мамлакат делегацияси раҳбари — Германия Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш федерал вазирлигининг Жанубий ва Шарқий Европа, Осиё ва Афғонистон масалалари бўйича муҳтор вакили Р.Гёрделер таъдир чоғида Ўзбекистон Германиянинг Марказий Осиё минтақасидаги устувор шерикларидан бири ҳамда ўз мамлакатининг федерал ҳукумати Ўзбекистон билан молиявий ва техникавий ҳамкорлик доирасидаги алоқаларни ривожлантириш ниятида эканлигини таъкидлади. У Германия томонининг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларга берган юксак баҳосини ихор этди. Музокаралар чоғида икки томонлама молиявий ва техникавий ҳамкорликнинг мавжуд ҳолати ва истиқболлари муҳокама этилиши баробарида 2005-2006 йиллардаги ҳамкорликнинг қўламли йозасидан ўзаро келишувга эришилди. Ташриф доирасида Ўзбекистон делегацияси аъзолари қатор маҳаллий ва халқаро ташкилотларда ҳам бўлиб, уршув ва музокаралар ўтказди. Жумладан, Чулланшига қарши кураш бўйича БМТ Конвенциясининг ижрочи котиби Г.Калбермайттен билан уршув доирасида Марказий Осиёда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш мавзусига бағишланган лойиҳанинг тақдироти ҳам бўлиб ўтди. Мулоқот пайтида Оролбўйи худудидаги аҳолий яшилаш борасида биргаликдаги сайё-ҳаракатлар қўламини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

«Жаҳон» АА.

Аму бўйларида Наврўз сабоси

Қорақалпоғистонда Сихат-саломатлик йилининг Наврўзи ҳар қачонгидан мазмунли ўтади



Улуғ қорақалпоқ куйчиси Бердақ Қарғабой ўғли ўзининг «Хоразм» достонида «Бахори боғида булбуллар сайраган, Бўстонида қирмизи гуллар очилган» ажойиб ўлканинг Наврўзини таърифлар экан, истиқлол ҳақидаги армонларини қуйма сатрларга жойлаган эди.

Аллоҳга беадад шукурларким, бизнинг замонамиз эркинлик, озодлик, истиқлол замони, мустабиллик кишанларидан халос бўлган Наврўз замонига айланди. Бугун Нукусни, Тўртқўлдан бошлаб Тахтақўпирни, Манғитдан то Мўйноқни айлансангиз, Наврўзи оламага бўлган қизгин тайёргарликни кўрасиз. Наврўз ўта қадимий байрам. Аммо ҳар Наврўзда, Беруний бобомиз қайд қилганларидек, табиат ҳам, инсон ҳам, ҳатто қуш ва гуллар ҳам янги-янгиланади, янги тароват билан тўқнаш келади.

Байрам сайиллари ўтадиган жойда икки улкан дошқозонда сумалак қайнатилди. «Шарқнинг етти гўзали» деб номланган қизлар гуруҳи байрам қатнашчиларига сумалак улашади. Истиқлолдан кейинги ҳар бир йилни ифодалайдиган 14 нафар ҳазрати деҳқон ўзига хос этнографик рақс ва ашуларни ижро этиб саҳнага чиқади. Бадиий-театрлаштирилган томошанинг болалар, фольклор-этнографик, профессионал, мумтоз санъат, эстрада

ва бошқа қисмлари бири-бири билан уйғунлашиб кетади. Тантананада қорақалпоқ миллий санъати намуналаридан ташқари, табиийки, қозок, туркман, қирғиз, тоjik, рус, украин, корейс кўшиқлари янграйди. Шоирлар, қизқичилар, бахшиларнинг чиқишлари давраларга файз бахш этади. Наники Нукус, балки Қорақалпоғистоннинг энг чекка қишлоқ ва овулларида ҳам Наврўз айёмига тайёргарлик қизгин олиб борилмоқда.

Янгибой ҚўЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Истеъмолчи ҳуқуқи ҳимояда

Кеча Тошкентда Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ташаббуси билан «Истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш демократик жамиятининг муҳим омилдир» мавзусида амалий конференция бўлиб ўтди. Давлат идоралари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этган ушбу тадбирда таъкидландики, ҳозирги кунда мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича муайян ишлар қилинмоқ-

да. Хусусан, федерациянинг 278,1 мингдан зиёд аъзоси бўлиб, улар аҳолийнинг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини ошириш, ички истеъмол бозорига сифати паст, инсонлар соғлиғига хавф туғдирувчи маҳсулотлар сотилишига ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол қилинишига йўл қўймайлик юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтиришда фаол иштирок этмоқда. Шу билан бирга, коммунал, маиший ҳамда тиббий хизмат, шунингдек, алоқа ва транспорт соҳа-

сида ечимини кутаётган муаммолар кўп. Ана шу муаммоларни барҳам қилишда федерация жонбозлик кўрсатиши зарур. Конференция сўнггида федерациянинг бир гуруҳ аъзолари ҳамда Тошкент вилояти бўйича ўтказилган «Энг юксак маданият» истеъмолчи» кўрик-танловининг ғолиблари махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Судьялар танлови

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг ҳозирги босқичида судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга катта аҳамият берилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки суд қачон ўз қарорида мустақил бўлса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги таъминланишига эришилади. Мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш эса судья ва суд ходимларининг касб малакасига бевосита боғлиқ. Шу мақсадда Олий

суд томонидан жойларда ўқув семинарлари, илмий-амалий анжуманлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, судьяларнинг касб малакасини оширишга қаратилган замонавий, самарали ўқув қўлланмалари ва анжуманлар ўтказиш тизимини ишлаб чиқиш лойиҳалари бўйича IRIS Маркази ҳамда Халқаро тараққиёт агентлиги (АҚШ) билан ҳамкорликда танлов ўтказилди. Унда 47 жамоа иштирок этди. Яқинда танловнинг якуний босқичи бўлиб ўтди. Танлов натижаларига қўра,

«Ўзбекистон судьяларининг этика қоидалари ва уларнинг халқаро талабларга мослиги» мавзусида Фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди жамоаси (Насиба Нажмиддинова, Алижон Ортиқов) биринчи ўринга муносиб деб топилди. Иккинчи ўрин «Вояга етмаганларни жавобгарликка тортиш масалалари, бу тоифадаги ишларни кўриб чиқиш тартиби, вояга етмаганларнинг ҳимоя ҳуқуқи» мавзуси билан иштирок этган жиноят ишлари бўйича Фаргона вилоят суди жа-

Шерзод ҲАЙИТМУРОВОВ, Олий суд матбуот котиби.

Жаҳон 24 соат ичида



Океан ортидан олтин медаль билан

Америка Қўшма Штатларида дзюдо бўйича ўтказилган «Нью-Йорк опен» очик чемпионатида ўзбекистонлик полвонлар умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритдилар.

Мусобақада дунёнинг 30 га яқин мамлакатидан келган 200 нафардан зиёд полвон етти вазн тоифасида гиламга чиқдилар. Энг оғир вазнда қатнашган ҳамюртимиз Абдулла Тангриев руминиялик Олимпиада ўйинлари совриндори Ж. Мунтанани ва бошқа номдор полвонларнинг курагини ерга текзиб, нуфузли мусобақанинг «Энг яхши дзюдочиси» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди. Унга мусобақанинг олтин медали насиб этди. Шунингдек, Вячеслав Перетейко ҳам ўз вазн тоифасида олтин медалга сазовор бўлди. Балли, азаматлар!



Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

Бош котиб таширифи

БМТ Бош котиби Кофи Аннан Рамаллоҳда Фаластин етакчиси Махмуд Аббос билан учрашди, деб хабар беради Reuters ахборот агентлиги. Аннан Рамаллоҳга келиши биланоқ Эсир Арофатнинг кабрини зиёрат қилди. Узининг уч кунлик сафари давомида Кофи Аннан Исроилда ҳам бўлиб, мамлакат раҳбарияти билан учрашувлар ўтказди. Музокаралар чоғида Бош котиб иккала томон етакчиларини ҳам «Йўл харитаси» доирасидаги ҳаракатларни қайта тиклашга чақирди.

Айбдорлар жазоланди

Милан суди 4 кишини 118 нафар инсоннинг ҳаётдан кўз юмишига сабаб бўлган авиаҳалокат айбдорлари деб топди. Улар тўрт йилга озодликдан маҳрум қилинди. Айбланувчиларнинг қолган уч нафари оқланди. 2001 йил 8 октябрь куни Милан аэропортида иккита самолёт тўқнашиб кетган, натижада 118 киши ҳалок бўлган эди.



Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий Академик драма театрида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика Халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар илмий-методик маркази, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил қилган хаваскор театр жамоаларининг республика фестивали ўз ишини бошлади.

Истеъодлар кўпдир бу юртда

— Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларимизда 103 та бадиий хаваскорлик театр жамоалари фаолият кўрсатмоқда. — деди маданият ва спорт ишлари вазирлиги ўринбосари Азамат Ҳайдаров. — Улардан 43 таси «Халқ хаваскорлик жамоаси» унвонига эга. Фестивални ўтказишдан асосий мақсад, ана шу жамоаларни қўллаб-қувватлаш, амалга ошираётган ишларини тарғиб этиш, истеъодларни кашф қилиш, театрларни халққа янада яқинлаштиришдан иборат. Одоб-ахлоқ ўргатишда, таълим-тарбия беришда театрға тенг келадиган санъат тури бўлмас керак. Аммо ҳамма ҳам театрға келиб спектакль кўриш имкониятига эга эмас. Бу ишларни эса халқ театрларимиз бажармоқда.

Бугунги фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда ва Тошкент шаҳрида ғолиб деб топилган 14 та бадиий хаваскорлик театр жамоалари иштирок этапти. Улар уч кун давомида ўзлари тайёрлаб келган асарлари билан театр муҳлисларининг хизматига бўладилар ва шу билан бирга ҳайрат аъзолари олдида ўз истеъодларини синовдан ўтказдилар.

Кеча томошабинлар Анджион, Қўқон, Қорақалпоғистонда фаолият юритаётган жамоаларнинг спектаклларидан баҳраманд бўлишди. Фестиваль бугун ўз ишини давом эттирмоқда.

С. МУҚИМОВ.

Қонун — адолат пойдевори

Жаҳон ҳуқуқшунослари қонунга садоқатни Ватанга, халққа садоқат рамзига менгайдилар. Уринли ўхшатиш. Негаки, қонун халқ ва давлат манфаатларини кўзлайди. Шундан келиб чиқиб айтганда, у жамиятнинг ҳуқуқий таянчи, бошқача айтганда, уриб турган юраги ҳисобланади. Демак, қонунларга астойдил муносабатда бўлиш, мулоҳаза юритиш уларга риоя этишга ва тегишли ҳулосалар чиқаришга ундайди. Шу ҳусусида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Раъно ЗАРИПОВА билан суҳбатлашдик.

— Раъно опа, баъзан замон талабларига мос қонунларни қабул қилишдан кўра, унинг ижросини таъминлаш оғирроқ кечади. Нега шундай?

— Аслида бу каби ҳолатлар, ҳатто энг ривожланган мамлакатларда ҳам учраб туради. Мисол учун, ўтган йили дунёнинг мана-ман деган мамлакатларида амалдаги қонунларнинг ижроси бўйича мониторинг ўтказилган эди. Унинг натижаларига кўра, энг юқори кўрсаткичга эга бўлган мамлакатда ҳам ижро даражаси 38 фоиз эканлиги бизни ажаблантирди. Аммо барибир бунга оддий ҳол сифатида қарамастмаслик керак. Акс ҳолда, ишлаб чиқариш қонунини ижодкорини ҳам, ижросинини ҳам нуқул айроғига солиб қўяди. Биз ҳуқуқий демократик ва адолатли фуқаролик жамияти қураёلمиз. Демак, унга қонун устуворлигини таъминлаш орқали эришамиз.

Бунинг учун, аввало, уни пухта ўрганиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш заминини яқинлаштириш керак. Чунки қонунни билмасдан, унга амал қилмасдан кўзлаган мақсадларимизга эриша олмаёмиз. Бизнинг бош мақсадимиз, Президентимиз таъбири билан айтганда, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этиш, яъни, одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш йўлида олишмай, илчил ва қатъий бўлиш керак.

Кейинги йилларда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида республикамизда янги концепция жорий этиляпти. Масалан, судлар жиноий, фуқаролик ва ҳужалик ишлари бўйича ихтисослашди. Суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтлари вужудга келди. Тергов-суриштирув жараёнлари ва одамларнинг ҳиссада сақлаб туриш муддатлари муайян даражада қисқарди. Қонунчиликда ишларни судларда кўриб чиқиш муҳлатлари қатъий белгилаб қўйилди.

— Булар тўғрисида, лекин, назаримда, фуқаролар ҳамон қонунга эмас, кўпроқ ҳокимият (назорат) органларига бўйсунушига мойилроқдек кўринаётганини?

— Бу ўтган асрнинг 90-йилларигача бўлган давр мери. Унга қара, жамоатчилик диққат-этибори яқинда хуқумрон компания буйруқларини бажаришга қаратилди. Бирор киши ўз ҳақ-ҳуқуқини қонун ҳимоя қилмоқчи бўлса, унга "Бу партия сийсатига эид" деб йўл беришмасди. Бугун эса жамият демократлашмоқда, мамлакатда тўб ишбулар давом этапти. Жумладан, суд ҳоҳасида кадрлар танлаш ва тасдиқлашнинг тақомиллашган демократик ҳуқуқий механизмин яратилди. Суд қорорларининг ижроси бўйича етарли ваколат эга департаментлар иш бошлади. Прокуратура органларининг суд жараён-

ларида аралашувини чеклашга оид қонунларга, шунингдек, Жиноят-ижроия кодексига ҳам ўзгаришлар киритилди. Прокурор билан адвокат ҳуқуқининг тенглиги қонунда ифодасини топди.

Буларнинг ҳаммаси фуқаролар назорат органларига тобе эмаслигини, балки қонунларга суянлиларини, қонун асосида ўз ҳуқуқини талаб қилишларини тақозо этади.

— Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида суд тизимини олдидаги муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилар...

— Маърузада таъкидланганидек, "Суд — одил судловнинг олий нуқтаси ва унинг ролини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги қонуний жараён". Айни шу нуқтага назардан ҳам Президентимиз ваколатларининг бир қисмини судларга ўтказиш ҳозирги даврнинг манъатидир. Инсоннинг таъкидлашлари, дахлизлигини чеклаш билан алоқдор масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Шу муносабат билан жиноий ва процессуал қонунчиликнинг бошланғич тергов ҳамда судга бўлган жараёнларида суд назорати кучайишига оид қордаларни қайта кўриб чиқиш зарурлигини ҳам айтиш керак. Ҳатто, шахсни ушлаб туриш, ҳибса олиш, процессуал мажбурий чоралар қўллаш учун санкция бериш ҳуқуқини ҳам судларга ўтказиш борасида аниқ фикр билдирилди.

Айни шу тақлифлар, фикр-ғоялар яқиндагина иш бошлаган Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳусусан, бизнинг қўмитамиз аъзолари зиммасига жуда катта масъулият юкляди. Эндикда ишлаб чиқишимиз керак бўлган янги-янги қонунларга йўналиш беради. Қолаверса, биргина суд-ҳуқуқ тизимида эмас, давлат қурилиши ва бошқарув соҳасида ҳам, тадбиркорлик, бизнес ва ҳусусий сектор тармоғида ҳам, саноят, қурилиш, транспорт, алоқа, банк, молия, коммунал хизмат тизимлари ва бошқа соҳаларда ҳам амалдаги қонунларни тақомиллаштиришда омил бўлади.

— Айтганча, Қонунчилик палатаси қўмиталарининг дастлабки иш фаолияти қандай кечмоқда? Қўмитамиз аъзолари ишни даставвал мавжуд қонунлар билан танишиш ва уларни чуқур ўрганишдан бошлади. Мақсадимиз халқимизнинг манфаатларига хизмат қилганига муаммал қонунларни ишлаб чиқишнинг одил ва адолатли бўлишига эришишни тавсия қилдик. Эро, нафақат турган қонунлар, нафақат турган муаммаларни, балки оилавий муаммаларни ҳам тавминлайди.

"Халқ сўзи" мухбири Зибда АШУРОВА суҳбатлашди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2005 йил 15 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика мажбурий тўловлар учун ҳужжатли ахборотларни сўзма-сўзма қўйишга қўйишнинг белгилаш:

1 Австралия доллари	852,34	1 Поляна злотийски	367,36
1 Англия фунт стерлинги	2069,41	1 СДР	1656,22
1 Дания кронаси	194,40	1 Туркия лираси	844,07
1 БАА дирхами	293,02	1 Швейцария франки	934,68
1 АКШ доллари	1076,19	1 ЕВРО	1447,15
1 Миср фунти	185,71	10 Жанубий Корея воши	10,75
1 Исландия кронаси	18,36	10 Япония иенаси	103,05
1 Канада доллари	892,66	1 Россия рубли	39,19
1 Ҳитой юани	130,03	1 Украина гривнаси	203,17
1 Малайзия ринггити	283,25		

*/ Валюта қиймати белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий ахборотларни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

Гузатиши
2005 йил 15 март соғининг биринчи саҳифасидаги "Хуқуқ ва бундан қўлини" сарлавҳали мақоланинг охирига хатбо-ларнинг 346 та қарори ҳақиқий эмас, деб тоғилганини жумла-си "ҳужалик судлари томонидан 2004 йилда бошқарув органлари-ни", деб ўқилин.

Янгича ёндашув — давр талаби

мислсиз марраларга эришиш-ку, демак, бу ғоялар ҳам сўзсиз амалга ошди. Энг муҳими, унинг рўёбга чиқиши учун ҳамма — каттао кичик астойдил бел боғлаши керак". Аксарият мактубларда олдинга

диллар келтириш мумкин. Лекин бундан қорхонага ҳам, одамларга ҳам наф йўқ. Энг ёмон, қарздорлик сўзсиз бошқа ўнлаб, юзлаб қорхоналар билан чийралиб қишага айланади. Бундай аҳволнинг асл саба-

лиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши 10,1 фоиздан иборат бўлди. Асосий эътибор меҳнат қишисига яхши ишлаш учун шароит туғдириб беришга қаратилмоқда. Ҳа, эркинлаштириш дегани — бу қўл-оёғимизни кишидан қаби бойлаб турган ҳар қандай тўқилардан бутунлай ҳалос бўлиш дегани.

Эркинлаштиришга қим қарши? Ҳамон эскича қарашлардан қутулмаётган, аввалги замондаги тақсимлаш, биорини усуллари кўрсатган қимсалар янгилик йўлида тўғнақ бўлиши мумкин. Ҳолбуки, умрини яшаб бўлган бундай усуллар бозор муносабатлари табиғатга мутолақ мос келмайди. Энди ўзи ва жамияти учун наф келтиришни истаган ҳар бир ҳужалик субъекти, ҳар бир тадбиркор эркин муҳитда мавжуд имкониятларини рўёбга чиқариши, ўзлигини намоён этиши керак. Давлат бош ислохоти бўлса, асосий ислохоти давлат ҳодими бўлса, у эркинлаштириш учун қандай шароит яратганини ўзини масъул ва жавобгар дид.

Одамлар янги даврдан хиддий ўзгаришлар кутмоқда. Бу борада яқин вақт ичида ижобий силжишга эришишимиз аниқ шу ишончининг мустаҳкамлашиши учун, айниқса, муҳимдир. Ишонч инсоннинг дафъатан кўзга ташланмаган имкониятларини ишга солади. Ишонч ўзимизга нисбатан бўлган умидбахшлик туйғусини оширади. Шундай экан, дунёқарошимиз суръатини замон шиддатига етказиб олайлик. Ўзимизнинг бошқалардан кам эмаслигимизни дилда тутар эканмиз, ҳар жабҳада ўрнақ бўлайлик.

Янги замон ҳисоби бошланди. Тарих унинг сония-дақикаларини олтин миллариди жарангдор садолар билан санамоқда. Сайлов пайтида айтилган эзгу ниятлар, даъват ва ваъдалар ҳаётий воқеаликка айланishi фурсати келди. Она Ватаннинг янги погоналар, янги марралар сари олдига отишда ҳеч биримиз четда қолмайлик.

Шухрат ЖАББОРОВ.

Ийгирма биринчи асрнинг бешинчи йилга халқимиз катта умидлар, ёруғ орзуларни қўйган жойлаган ҳолда қадам қўйди. Айнан шу сананинг бошида Ўзбекистонда икки палатали парламент барпо этилди, Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар халқ ишончини қозониб, пок ният билан иш бошладилар.

Шундай тарихий дамларда дунё аҳли Ўзбекистоннинг бу одимларини эътибор билан кузатиб турди. Ҳўш, мустақилликнинг ўн тўртинчи йилга қадам қўйган бу мамлакат янгиланган парламент яратилгандан сўнг қайси йўлдан борар экан? Жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини эгаллаш борасида қандай тамойилларга асосланиши мумкин?

Эндикда Ер юзининг ҳар қандай минтақасидаги ўзгаришлар бошқа барча ҳудудларга таъсир этиши табиғий бўлгани учун ҳам бундай қизиқш тушунарили эди. Кўпгина саволларга 28 январь кун оидинлик киритилди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида кенг қамровли маъруза билан чиқди. Унда мамлакатнинг эртанги ҳаётида қайси устувор вазифаларга эътибор берилиши лозимлиги садабдаги дурдона каби аниқ-тиниқ баён этилди.

Маъруза маъруза халқ томонидан эътибор билан қўлиб олинди. Чунки унинг руҳида эзгу ниятнинг бунёдкор халқ қалбиди ай-фиқрлар ифодалангани, айнан ўша раиятнинг янада яхши яшاشи учун чексиз ғамхўрлик боғи билан суғорилганлиги, Кўндан буён шундай муқосса бор: мустақил Ўзбекистон Конституциясининг шўро давридаги конституциялардан фарқ қилувчи жиҳати нимада: илгари давлат манфаати устувор эди, халқ манфаати кейинги ўрнда турарди, бизнинг Асосий Қонунимизда, аввало, инсон манфаати бирламчи қадрият саналди, давлат

эса инсонга хизмат қилади. Қўшма мажлисдаги маъруза худди ана шу тамойилга тўлалиқча мос келди. Гап мамлакатнинг икки ҳаётида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар ҳусусида борадимиз ёки ташқи сиёсат тўғрисида сўз юритилади — ҳар бир ўринда инсонга эътибор, инсонга эҳтиром асосий мезон қилиб олинди.

Янгиланган парламентнинг қўшма мажлиси бўлиб ўтгандан кейинги кунлар мубоайнида одамлар билан мулоқот қилганда, тахриратимизга келган хатларда, телефон қўнғирокларида маърузада таъкидланган устувор вазифалар ҳусусида жуда кўп фикрлар билдирилмоқда.

Яқинда Термиз шаҳридан меҳнат фаҳрисини Қарамон Бобоқулов қўнғирок қилди. Кўпни кўрган бу инсон сир орқали сўхтаб хол-ахвол сўраб улғурмасдан, асосий мавзуга қўнди: "Маърузани маҳаллада ҳам бўлиб ўқиб чиқдик. Кейин ҳар ким ўз фикрини айтди. Қайси масалаларга эътибор қилиш кўрсатиб берилди, энди ҳар биримиз ўз арава-мизни ўзимиз тортсак, Худо хоҳ-ласа, ҳаётимиз яшиланиб кетади, деган гапларни айтишди. Ахир мустақиллик йилларида

қўйилган вазифаларни бажариш учун барчанинг бирдай интилиши муҳимлиги таъкидланмоқда. Вазифалар аниқ, уларни бажариш учун нималарга эътибор бериш керак? Бу саволга Вазирлар Маҳкамаси янги таркиби билан учрашувда муфассал жавоб берилди. Демак, амалий йўл-йўриқлар ҳам тайёр.

Президент ушбу нутқда вазирларга мурожаат қилиб, "Бу жараёнга бугун ҳар қайсингиз ўз соҳаңизда қандай амалий ҳисса қўшасиз?" деган саволни қўйганлар. Ушбу савол фақат ҳуқумат аъзоларигагина эмас, ўзини раҳбарман деб одамлар ишончини қозонишга ҳаракат қилаётган ҳар бир юртдошимизга қаратилди. Шу нуқтага назарда бугунги раҳбарлар ўз-ўзига "Мен давр қўяётган талабларга жавоб берайманми?" деган саволни кўндаланг қўйишлари керак. Айттайлик, сиз бошчилик қилаётган қорхонада дебиторлик ва кредиторлик қарзлари қанчалик маънапти. Табиийки, бундай шароитда қорхонада иш мароми ҳам, одамлар турмуши ҳам тўлақонли давом этиши мумкин эмас. Агар қарздорлик сабаблари суриштирилса, ҳар бир холатга ҳужжатлар ёрдамида "асосланган" да-

би нимада? Тартиб-интизомнинг йўқлигида. Ахир ҳужалик субъекти ўртасидаги ўзаро муносабатларни йўлга қўйиш бўйича меъерий ҳужжатларимиз бор-ку? "Агар Фарб давлатларининг биздан устунлиги нимада, деб сўраса, мен қонун устуворлиги ва жазонинг муқаррарлигида, деб айтган бўлардим", — бу сўз нақадар долзарб янграмоқда.

Тартиб-интизом бўлиши учун ҳар ким ўз аравазини ўзи тортиши керак-да. Масалан, коммунал хизмат, уй-жой ҳужалигида муаммолар қалашиб ётди. Давлатимиз раҳбари икки палатали парламент вужудга келгандан кейин имзолаган дастлабки қорорлари шу соҳада тартиб ўрнатишга қаратилди. Агар коммунал хизмат ҳодимларидан нега ишда тартиб йўқлигини сўрасангиз, жавоб тайёр: аҳоли коммунал тўловларини вақтида узмаяпти. Демак, маблағ йўқ. Аслида, аҳоли нима сабабдан интизомсизлик қилишини ўйлаб кўраймизми?

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида эркинлаштириш яхши самаралар бермоқда. 2004 йил январини бўйича иқтисодий ўсиш 107,7 фоизни ташкил этди. Саноят ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 9,4 фоиз, қишлоқ ҳўжа-

Поп туманидаги "Наврўз" ширкат хўжалиги Марказий Фарғона чўлининг Аччикўл мавзесида жойлашган. Дехқончилик қилиш анча мураккаб бўлган ушбу ҳудудда пахта, галла етиштирилади. Жорий йилда хўжалик миришкорлари 450 гектар ердаги пахтазордан 20 центнердан, 64 гектардаги галлазордан эса 40 центнердан ҳосил олишни ният қилишган.

Хўжаликда экиш мавсуми учун барча техника воситалари шай қилиб қўйилган. — Эрта ҳаракат қилган дехқон ютади, — дейди механизатор Султонбой Эркинов. — Мақсадимиз бу йил ҳам илгорлар сафидан жой олиш.

СУРАТДА: хўжалик механизатори Султонбой Эркинов. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.



Қалбларни тўлақонлантирган эзгулик

Қамоқхона дарвозаси тарақлаб очилди. Амнистия муносабати билан озодликка чиққан Баҳром ўйга толганча бироз туриб қолди. Орқасига ўгирилди, панжара ортидаги ҳаёти бир зумда кўз ўнгидан ўтди. "Нега бу ерга тушиб қолдим? Мени нима жин урган эди? Энди қандай яшайман?" деб ўйлади у...

Президентимизнинг ўтган йили 1 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 12 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Фармони бўйича қўлаб одамлар жазо ўташ жойларидан озод бўлишди. Минглаб хонадонларга хурсандчилик кириб келди. Юракларга меҳр инди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда жазони либераллаштириш, адашганларни тўғри йўлга солиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Ҳуқуматимиз авф этилганларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ишларини доимий назорат остига олган. Чунки панжара ортидан қайтган ҳар бир кишининг жамиятимизга тўлақонли аъзо сифатида кириши, иш билан таъминлаш, уларнинг келажақда юртимиз манфаати учун хизмат қиладиган инсонлар бўлиб етишишида дамуҳим омил бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда бу ишлар изчиллик билан амалга ошириляпти. Айтиш лозимки, бу оқилона сиёсат натижасида ҳозир Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида қамоқхоналарда сақланаётганлар бўйича энг кам кўрсаткичга эга. Сўнги йилларда фуқароларимизнинг ҳуқуқий саводхонлиги ошди. Авваллари баъзилар қилаётган ноҳўра ҳаракатлари нимага олиб келишини тўлиқ англаб етишмасди. Эндикда ҳар бир киши ҳар қандай жиноят учун жазо муқаррарлигини яхши билади. Яна адашганларни жамоатчилик тарбияси орқали тўғри йўлга солиш масаласи қўйилаяпти. Бунда прокуратура, суд, маҳалла ва бошқа манфаатдор томонларнинг ҳамкорлиги қўл келмоқда.

Бағрикенглик

охири ва жорий йилнинг бошида амнистия бўйича 18 киши озодликка чиқиб, уйларига қайтган. Улардан 11 нафари иш билан таъминланди, яна 3 нафари ишга кириш учун ҳужжат тайёрляпти. 4 киши эса саломатлигини тикламоқда.

— Туманимизда жазони ўташ жойларидан қайтган кишиларни иж-ро, милиция капитани Мирасил Жалилов. — Биз учун ҳар бир фуқаронинг жамиятга фойдали инсон бўлиб етишиши муҳим. Шу жумладан, амнистия муносабати билан жазодан озод қилинган кишилар ҳам. Президентимизнинг адашганларни авф этиш, уларни эркин ҳаётга қайтаришга қаратилган саъй-ҳаракатлари, эзгулик тимсоли сифатида ҳаммамиз учун намуна бўлиб келмоқда.

Баҳром бироз ўйланиб турди-да, "Албатта, оиламга қайтаман-да, насиб этса эл-юрт ўртасида юзимни ёруғ қиламан" деди ўзи-га-ўзи ва шаддам одим-лаб кетди...

Албатта, ҳаётда адашганларни кечириб, улар учун имтиёз эмас, имкониятдир. Энди гап билдирилган ишонччи ҳалол меҳнати, она заминига фидойилиги билан оқлашда.

Салим ДОНИЕРОВ, "Халқ сўзи" мухбири

Ватанга хиёнат қилгани учун

Жамбул вилоят суди Қозоғистон мустақилликка эришгандан буён мамлакат тарихида биринчи марта "Ватанга хиёнат" моддаси бўйича жиноий ишни кўриб чиқа бошлади. Республика Миллий Хавфсизлик Қўмитасининг Жамбул вилояти департаменти Тараз шаҳрида яшовчи икки фуқарога нисбатан шу модда бўйича жиноий иш кўзгатилади. Айблов ҳулосасида таъкидланганича, улар жаңгарилар тайёрлайдиган лагерлар учун ҳў кириришган.

"Экспресс-К" газетаси мухбири Галина Виборнованинг ёзишича, қора курсида ўтирган Раҳим Султонғозиев 1968 йилда туғилган. Шериги Дилмурот Шоюсупов эса ундан уч ёш кичик. Қозоғистон Республикаси фуқароси бўлган бу шахсларнинг иккала-си ҳам Таразда яшайди.

— 2004 йилда Р.Султонғозиев ва Д.Шоюсупов Бирлашган Араб Амирликлари фуқаролари билан бирга жаңгарилар тайёрлайдиган лагерлар учун вилоятимиз ҳудудидан жой қидиришган, — дейди вилоят прокуратураси судлар қарорининг қонунийлигини назорат қилиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Жасулан Адилбой ўғли. — Бизда бу икки фуқаро баалобан лочинларни овлаш баҳонасида юртимизга келган арабларга Маркен ва Рисулов туманлари ҳудудиди тоғлар бағридан овлоқ жойларни кўрсатганини исботловчи далилий ашёлар — суратлар бор. Бу иш учун шарқдаги "дўстларимиз" Дилмурот Шоюсуповни 10 минг АКШ

доллари ва УАЗ автомашинаси совға қилишган. Ишлари юришиб кетса, ҳаммаси бўлиб 50 минг доллар беришни ваъда қилишган. Жасулан Адилбой ўғли судда қораловчи сифатида иштирок этмоқда. Унинг қайд этишича, БААлик икки араб "Ал-Қоида" террорчилик гуруҳи аъзоси ҳисобланади.


Дилмурот Шоюсуповнинг акаси Тошкентдаги террорчилик ҳаракатларида ўзини ўзи портлатган. Дилмурот ҳам бир неча марта Амирликларда бўлган, у ерда қўл жанги асосларидан дарс берган. Ваҳҳобийлик оқими тарафдори.

Раҳим Султонғозиев ҳам ваҳҳобийликка эътиқод қилади. Аммо у, Шоюсуповдан фарқли ўлароқ, тергов пайтида ватанга хиёнат қилганини тан олмайди.

Аслида иккови ҳам Қозоғистон Республикаси Жиноят Кодексининг 165-моддаси бўйича айбодан ташқари ўзларига қўйилган барча бошқа айб-ларни тан олишмаяпти. Султонғозиев хатто машинаси ва уйдан топилган иккита РГД-5 гранатасининг ўзига тегишли эканлигини ҳам рад этди. Шоюсупов эса сотиш учун гиёҳвор моддаларни олиб юрганини инкор қилди. Дилмуротнинг таъкидлашича, геронини унинг чўнтағига солиб қўйишган.

Бу гаплар — уларнинг терговдаги кўрсатмалари. Ватанга хиёнат қилишда айбланганга бу қимсалар суд жараёнида нима деб ўзларини оқлашар экан? Буни вақт кўрсатади.

Наврўз — умумхалқ сайли



Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида Қўрлисой деган катта сойлик бор. Қайси бир замонларда у ҳайхотдай дарёнинг ўзани бўлганлиги шундоқ кўриниб турибди. Хозир сойлик бағрида кичик бир анҳор оқади, холос. Кенг яёдоқ ўзанининг қолган қисми кетакетгунча ям-яшил тоқзорларга айланган. Соё атрофидаги ўнлаб қишлоқларнинг бисоти, бойлиги — шу тоқзорлар, авжи ёзда ва кузда улардан йиғиб олинадиган тонна-тонна узумлар ва тайёрланадиган майизлар... Қўрлисой ўз номига яраша, қўрли, қутли, баракали сой. Соё елкасидаги адирлар ҳам барака манбаи. Бу адирларда қора моллар ва қўй-эчкилар бутун баҳорда, ёзда, куз ойларида яйрайди, етилади, сигирлар чалак-чалак сут беради...

Қўрлисой АДИРЛАРИДАГИ БАЙРАМ

Хуллас, қўрлисойликларнинг ҳаёти, рўзғори ерга, табиатга, об-ҳавога жуда-жуда боғлиқ. Ва шу боисдан, табиатнинг уйғонишини тараннум этувчи Наврўз айёми ҳам уларнинг энг севган байрами ҳисобланади. Қўрлисойда Наврўз айёмини бироз ўзгача нишонлашади. Агар бошқа қишлоқларда бу гўзаллик ва баҳор байрамини мактаб ҳовлиларида, стадионларда нишонлашса, Қўрлисой қишлоқларида ҳамма байрам куни адирларга кўчиб чиқади. Сайил ўтказиладиган манзилга яқин ҳовлилардан адирнинг кунгай томонларига шолча, гилам, кигизлар чиқаришиб, чимзорлар устида кексаларга, хотин-қизларга, ёшланларга алоҳида-алоҳида жойлар қилишади. Қишлоқ оқсоқоллари адирда самовар, дошқозонлар ўрнатилишига бош-қош бўладилар. Аслида, махсус қозон осийша зарурат ҳам йўқдай. Негаки, байрам сайлига ҳар бир хонадондан хилма-хил таомлар, пишириқлар, кўк сомсалар, ноз-неъматлар тайёрлаб келинади ва дастурхонлар тўлиб-тошади. Бу-

нинг устига, кўча дўконлар бор бисотини ёди. Лекин, шу билан бирга, қозон осилмаса ҳам бўлмайди. Сабаби, айрим оилалар эл сайлига қурбонлик учун мол, қўй, эчкиларни аташади. Чунки у ёки бу оилада Наврўздан-Наврўзгача қандайдир хурсандчиликлар юз берган бўлади: оилаларга келин туширилади, фарзандлар кўришади, янги ҳовли-жой қилинади, машина олишади, вояга етган фарзандлар «катта ўқишлар»га кирган бўлади ва ҳоказолар... Буларнинг ҳар бири учун, маҳаллий удум бўйича элу юрт олдидан ўтиш, дуосини олиш керак. Хуллас, адирларда бир неча қозонларда қурбонлик таомлари ҳам пиширилади. Қўрлисойдаги Наврўз сайилларида яна бир ўзгачалик борки, улар тўғрисида алоҳида гапирмоқчимиз. Бу ерда Наврўз айёмида ҳар йили қишлоқ оқсоқоллари ва аҳолининг мол-хўлига қарайдиган подачилар қайта сайланади. Қўрлисойда бу — Наврўз анъаналаридир. Сайловлар очик-ошкора халқ муҳокамасига

айланади. Сўзлайман деганнинг фикри эътибор билан тингланади. Мақтовлар ва танбехлар адолат тарозусига солинади. Ҳеч бир мулоҳаза унутилмайди. Элининг кўзи мингта. Фикрлар ҳам мўл ва ранг-баранг. Масалан, ўтган йил сайланган қишлоқ оқсоқоли бирон ноҳия иш қилган, ноҳия сўз айтган ёки қадам қўйган бўлиши мумкин. Улар эл назаридан яширин қолмайди. Ёки подачи эл молини куз охиригача боқмаганлиги оқибатида қаровсиз моллар, масалан, тоқзорларни оралаб кетади, етилган узумларни ёйди, пайхон қилади. Бундай подачини халқ аяб ўтирмайди... Сайил чоғида бор гаплар очикчасига айтилади. Оқсоқоллар ва подачиларнинг фикри ҳам, албатта, сабр-тоқат билан тингланади. Ҳалол, холос бир қарорга келинади. Хуллас, Қўрлисойда қишлоқ оқсоқоли ва ҳатто, подачи бўлиш ҳам осонмас. Бунинг учун шу элга муносиб бўлишинг керак. Наврўз сайилларида ҳўжаликларнинг каттакичик раҳбарлари ҳам албатта қатнашадилар. «Майлис бор эди», «Ту-

ман катталари қақриб қолишди», деган гаплар кетмайди. Раҳбарларнинг ўзлари ҳам бундай баҳоналарни қилмайдилар. Чунки бир йилда бир марта бўладиган Наврўз гурунглари уларнинг ўзига ҳам зарур. Қишлоқларда йўл, кўприклар қандай аҳолида, мактаб, қишлоқ шифо пунктида нималар етишмайди, ҳўжаликда нима ўзгаришлар бўляпти — булар тўғрисида эл раҳбарлар билан обдон гаплашиб олишади. Шу кунбеткай адирларда Йилбоши кунда кўпгина масалалар бўйича чоратадбирлар белгиланади. Ҳамма ташкилий тадбирлар якунига етгач, чинакам байрам базми бошланади. Обод дастурхонлар атрофида хурсандчилик, гурунг қизийди, маҳаллий хаваскорларнинг кўшиқ ва рақслари, полвонларнинг қураши ва бошқа хил халқ ўйинлари сайилга кўрк бағишлайди. Базми жамшид кечгача давом этади. Ҳеч ким адирни тарх этишни хохламайди... Ҳа, қўрлисойликлар Наврўзни байрам қилишни билишади.

М. САФАРОВ.

“ЎЗПРИВАТБАНК” ЎХБ

«ЎЗПРИВАТБАНК» ПЛАСТИК КАРТОЧКАСИ — СИЗНИНГ ЭЛЕКТРОН ҲАМЁНИНГИЗ.

Карточка олиш — бепул. Ўзбекистондаги барча банкоматлар ва терминалларида қўлланилади. Маблағлар қолдиги бўйича фоизлар ҳар ойда тўланади.

«ЎЗПРИВАТБАНК» ЎХБ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЎЗБЕКИСТОН ШОҲҚЎЧАСИ, 51. ТЕЛЕФОНЛАР: 120-63-08, 139-10-18, www.uzprivatbank.com e-mail: bank@uib.uz

Ижодий кеча

Анна Ахматова номидаги жамоатчилик музейида улуғ шоирлар Борис Пастернак ва Райнер Рильке ижодига бағишланган мусиқали кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон — Россия ва Ўзбекистон — Германия дўстлик жамиятлари томонидан ташкил этилган анжуманда пойтахтимиздаги Гёте номли институт филиали вакиллари, россиялик ўқитувчилар ҳамда Германиянинг мамлакатимиздаги элчиси Ганс-Иоахим Кидерман иштирок этди. Ижодий кечада Борис Пастернак ва Райнер Рильке шеърлари га басталанган кўшиқлар ижро этилди. Мазкур анжуман ҳақиқий ижод масофа билмаслигини яна бир бор тасдиқлади.

Татьяна ЕГИЯН.

Барча қурилиш ташкилотлари диққатига!
«ЎЗЛАВАРХИТЕКТУРИЛИШ» ҚЎМИТАСИНING ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАҚЛЛАНТИРИШ

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУДУДИЙ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ
2005 йил март ойи давомида Сирдарё вилоятидаги объект қурилиши учун танлов савдолари эълон қилинади:

«Гулистон шаҳар, 13-болалар боғчаси биносини вилоят мудофаа ишлари бошқармаси ва Гулистон шаҳар мудофаа бўлимининг чакирув пункти учун қайта қуриш».

Буюртмачи — Сирдарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси.
Манзил: Гулистон шаҳри, Сайхун кўчаси, 34-уй. **Телефон:** 25-27-71. Объект давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида иштирок этиш истагини билдирган қурилиш ташкилотлари қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: **омборида қурилиш материаллари ёки объект қийматининг камида 20% айланма маблағи бўлиши, бундай маблағ бўлмаган ҳолатда ана шу миқдорда банк кредит бериши мумкинлиги ҳақида кафолатнома мавжудлиги, зарур техника ва мутахассисларнинг мавжудлиги, ўқшаш объектлар қуриш бўйича тажрибага эга бўлиши, шартнома тузиш ҳуқуқига эгаллиги.**

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сирдарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига сўровнома билан эълон чоп этилгандан сўнг 30 кун давомида қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Гулистон шаҳри, Ахматова кўчаси, 30-уй. Тел./факс: (8-3672) 27-64-84.

Танлов савдолари қўриқини бериш тартиби ва шартлари — 60000 сўм.

Оферталар юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади ва уларни тақдим этишининг охириги мuddати — танлов комиссиясининг шу объект бўйича йиғилиш ўтказадиган кунини ва соати. Танлов савдолари эълон чоп этилгандан 30 кундан кейин ўтказилади.

COSCOM GSM
ОЛИЙ СИФАТ ВА ХОТИРЖАМЛИК
 ISO 9001:2000

**ҲЕЧ ҚАНДАЙ КАРТОЧКАЛАР!
 ҲЕЧ ҚАНДАЙ PIN-КОДЛАР!**

**«8» ДАН ОЛДИН «00» НИ ТЕРИНГ
 ВА ПУЛИНГИЗНИ ТЕЖАНГ!**

**ХАЛҚАРО ҚЎНФИРОКЛАР УЧУН
 ТАРИФЛАР АРЗОНЛАШТИРИЛГАН**


**ЭНДИ
 МУҚОБИЛ ТЕРИШДАН ФОЙДАЛАНИБ, СИЗ
 СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА КАМ ПУЛ ТўЛАЙСИЗ***

Йўналиш	BUZTON тарифлари	Уланиш учун тариф**
Марказий Осиё: Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон	0,26	0,15
Россия, Украина, Молдова, Беларусь	0,28	
Кавказ (Арманистон, Грузия, Озарбайжон)	0,33	
Европа	0,81	
Осиё: Баҳрайн, Малайзия, Саудия Арабистони, Сингапур, Туркия	0,91	
Осиё (юқорида кўрсатилгандан ташқари қолган барчаси)	1,08	
Африка, Америка	0,90	
Австралия	1,23	

* Real тизимидаги абонентлардан ташқари
 ** Уланиш учун тариф амалдаги уланганлик учун олинади, барча йўналишлар учун бир хил ҳисобланиб, сўзлашувлар давомийлигидан қатъи назар ҳар бир уланиш учун бир маротаба тўланади. «BUZTON» ҚҚ карточка платформасига муқобил рақамни териш орқали киришни амалга оширишда қўнғироқнинг дастлабки дақиқаси қиймати «BUZTON» ҚҚ уланиш учун тарифидан, эфир вақти ва халқаро тарифидан ҳосил бўлади. Сўзлашувнинг кейинги дақиқаларида уланиш учун тариф ёзилмайди ва чикувчи қўнғироқ эфир вақти ва МН уланиш учун тариф қийматидан қўшилади. 6 сониядан кам бўлган сўзлашув учун фақат уланишга тариф ёзилади.

WWW.COSCOM.UZ
 Тел.: (+998 93) 180 0000, 181 0000.
 Нархлар ҚҚСиз кўрсатилган. Хизматлар лицензияланган.

Спорт



Дарҳақиқат, бугун халқимизнинг азалий қадрияти даражасида бўлган ўзбек кураши билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Чунки у жуда қисқа давр ичида жаҳонни забт этиб улгурди. Айниқса, яқунланган йил ўзбек кураши ривожини учун муҳим йил бўлиб тарихдан жой олди. Кураш Халқаро Ассоциациясига аъзо давлатлар сони ҳозирги кунга келиб 74 тага етди. Шу кунларда Австрия, Албания, Кипр, Чехия, Латвия, Молдова, Сербия ва Черногория, Украина, Эстония, Хитой, Саудия Арабистони, Индонезия, Макао, Иордания, Непал, Сурия, Вьетнам, Жазоир, Камерун, Мадагаскар, Тунис, Миср, Ливия, Гвинея, Барбадос, Гондурас, Куба, Пуэрто-Рико, Аруба, Мексика, Колумбия, Никарагуа, Сент Китс ва Невс, Гаити давлатлари ХКАга аъзо бўлиш истагини билдиришган.

Миллий кураш — миллий қадрият

Апрель ойида кўна Термизда Президент саврини учун ўтказилган анъанавий ал-Ҳаким ат-Термизий халқаро турнирида Кураш Халқаро Ассоциацияси билан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг миллий қадриятлар, миллий гуруҳ ва миллий истиқлол йўлида ҳамкорлик ўрнатишга бағишланган битим имзолаш режалаштирилган. Ҳўш, бундан кўзланган мақсад нима? Биз бунга аниқлик киритиш мақсадида «Миллий тикланиш» партияси ва ХКА вакиллари билан фикрларини билан қизикдик.

Президентимиз ўзбек курашининг бошқа курашлардан эркин, адолатли, ҳалол жиҳатлари билан ажралиб туришини доимо таъкидлаб келадилар, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Миллий тикланиш» фракцияси раҳбари, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси расиси Хуршид Дўстмухамедов. — «Миллий тикланиш» партияси бу йил ўн ёшга тулади, ўзбек курашининг эса неча минг

йиллик тарихи бор. Партияимизнинг ҳам, курашимизнинг ҳам голялари ҳамма ҳамма. Шу боис ўзaro ҳамкорлик қилишни режалаштираймиз. Миллий кураш — бу қадрият. Партияимизнинг мақсади ҳам миллий қадриятларни тиклаш. Бугун шуни тан олишимиз лозимки, дунёни забт этишда курашчиларимиз сиёсатчилардан қолишаётгани йўқ. Партияимиз сафиди дунёни ларзага солган полвонларимиз бўлишини

хоҳлаймиз. Ҳамкорлик қилишдан кўзланган асосий мақсадимиз миллий курашимизни янада тарғиб қилишга ўз хиссамизни қўшиш ва айни чоғда партияимиз оммавийлигини янада оширишдан иборат.

— Давлатимиз раҳбарининг юксак минбардан туриб «Биз XXI асрга энг катта бойлигимиз — мустақиллик тиклаган миллий қадриятларимиз ва курашимиз билан бирга ўтамиз» деган гаплари биз учун доимо дастуриламал бўлиб келган, — дейди Кураш Халқаро Ассоциацияси президенти Комил Юсупов. — Миллатни, миллий қадриятларни бугун биз қанча улуғласак, биздан кейинги авлод ҳам бизни шунча улуғлайди. Бир миллат гоёсини иккинчи миллатга синдириш жуда қийин. Бугун ўзбек курашини етмишдан ортиқ мамлакат тан олиб турибди. Бу билан ҳар қанча гурулансак арзийди.

Курашчиларни биринчи бўлиб «Миллий тикланиш» партияси ҳамкорликка таклиф этапти. Бу қувонарли ҳол. Бундан ҳеч қандай сиёсий мақсад кўзланмаган. Биз учун яна бир аҳамиятли томони, жаҳон спорти тарихида ўзбек курашчилар шиддат билан ривожланган спорт тури ҳали кузатилмаган. Чунки, курашимизда халқимиз руҳиятига хос бўлган ҳалоллик, инсонпарварлик голялари муҳасам. Мамлакатимизнинг қай гўшасига борманг, кураш мусобақалари ўтказилса, ён-атрофда ишқибозлар симаётди. Яқин кунларда хориж стадионлари ҳам ўзбек кураши ишқибозлари билан тўлишини жуда-жуда истардик.

Дарҳақиқат, кураш голялари замирида минг йиллик фалсафа ётибди. Курашда мағлублар азобланмайди, йиқилганларга инсонийлик билан муносабатда бўлинади. Шу жиҳати билан ҳам ўзбек кураши бошқа спорт турларига қараганда жаҳонга тез тарқалмоқда. Ҳамкорликни қўллаб-қувватласа арзийди.

— Кураш туйғуси халқимиз қонига сўт билан кирган, — дейди «Миллий тикланиш» партияси Марказий кенгаши котиби, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарифа Салимова. — Қадимдан полвон оналарига «Боламин бағрингизга бир босиб беринг, бизнинг ўғлимиз ҳам полвон бўлсин», деб мурожаат қилинган. Болалигим ўтган Паркентда ҳам кўп полвонлар бўларди. Дунё ўзбек курашига оқ фотиҳа берди. Курашимиз жаҳонда ўз ўрнини топди. Қувонарли жойи шундаки, кураш ва миллий тикланиш қадриятлари бир улғу мақсадга — халқимизнинг оламшумул шўрат қозонишига ва ялпи тараққиётига хизмат қилади.

Қисқа сатрларда

Беш шахматчи олий лигада

Тошкентда шахмат бўйича аёллар ўртасида Ўзбекистон чемпионати биринчи лига ўйинлари якулланди. Чемпионатда муваффақиятли иштирок этган пойтахтлик Шаҳноза Собирова, Тошкент вилоятидан Севара Юсубалиева ва Азиза Расулова, қашқадарёлик Сарвиноз Эргашева ҳамда Нодира Нодиржоновна олий лига йўлланишини кўлга киритдилар.

Велоспортчиларимиз Қозоғистонда

15-19 март кунлари Чимкентда велоспорт бўйича халқаро турнир бўлиб ўтади. Ушбу мусобақада тахрибали велоспортчиларимиз Владимир Тўйчиев, Юрий Иволжатов, Владимир Тяжелкин ва Константин Калинин билан бирга Алексей Смирнов, Азия Абдурахимов, Николай Казакбоев, Александр Лагутин ҳамда Филипп Яковенко сингари умидли ёшларимиз вакелининг шарафини ҳимоя қилапти.

Ўз мухбиримиз.

ҚИШКИ ЧЕМПИОНАТ ЯҚУНЛАНДИ

Тошкент денгизида байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон қишки чемпионати якулланди. Унда ҳамюртларимиздан ташқари россиялик спортчилар ҳам иштирок этди. Аёллар ўртасида 500 метрлик беғлашувда россиялик Надежда Петрова ҳамда Ольга Борисовани орта қолдирган ҳамюртчимиз Юлия Борзова галаба қозонди. Бундан ташқари, иккидорли спортчимиз 10 000, 2 000 ва 1 000 метр масофага ўтказил-

ган пойғаларда иккита кумуш ва битта бронза медаль соҳиббаси бўлди. Ҳамюртчимиз Руслан Мирзодиёров каноэда 2 000 метрга сузишда барча рақибларини ортада қолдирди. У иккинчи олтин медални 10 000 метрлик пойғада қўлга киритди. Кейинги ўринлар ўзбекистонлик спортчилар Владимир Миньков ва Герасим Кочневга nasib қилди.

Зоҳир ТОШҲУҲАЕВ, ЎзА мухбири.

Н.УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

САҒАР ОЛДИДАН

ҚАШҚАДАРЁ (ЎзА мухбири Аҳад МУҲАММАДИЕВ). Қаршида дуатлон бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари якулланди. Ўзбекистон мудофасига қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг марказий кенгаши Қашқадарё вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда ўтказган маъруза мусобақа Сихат-саломатлик йили ва Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланди. Унда олтинмишга яқин спортчи иштирок этди. Улар югуриш ва вело-

спиредда юриш бўйича куч синашди. Тошкент вилояти спортчилари умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритди. Фарғона вилояти иккинчи, самарқандликлар учинчи ўринни эгаллашди. Шахсий биринчиликда тошкентлик спортчилар Павел Растрингин, Екатерина Кандакова, Артем Микеев ҳамда Николай Ильин ўз йўналиши бўйича голиб чиқди. Мусобақа голиблари шу йил 21-28 март кунлари Таиландда ўтайдиган Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилади.

«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация) и
ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»
 предлагают к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.
 Завод-изготовитель — «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

Диаметры труб (мм)	Цена за 1 тонну сум.	
ДУ 15x2,8 мм	944000	ДУ 40x3,0 мм 934000
ДУ 20x2,8 мм	944000	ДУ 50x3,0 мм 934000
ДУ 25x3,2 мм	944000	ДУ 100x4,0-5,0 мм 994000
ДУ 32x3,2 мм	934000	

ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:

76x2,8-4,5 мм	994000	114x3,0-6,0 мм	994000
89x5,0 мм	994000	159x5,0-6,0 мм	1199000
108x3,0-4,5 мм	994000		

ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:

Контактные телефоны: 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
 E-mail: uzkommash@tk.uz
 Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Низёбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Ўзбеккоммуналлоях».

Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):

- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синярский трубный завод (г.Камонск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Товар сертифицирован, услуги лицензированы.

РОССИЯДАН КЕЛТИРИЛГАН ЛИНОЛЕУМЛАРНИ ТЎШАШ ВАҚТИ КЕЛДИ.

Улгуржи нархлар. Ҳар доим Тошкентдаги омбордан.

Телефон 134-48-11

Автомобиллар ва ишлаб чиқариш хоналари учун емирилишга чидамли ТРАНСЛИН қопламаси.

«O'zgeoburg' uneflgazqazibchigarish» акциядорлик компанияси маъруза жамоаси компаниянинг илмий техник тараққёт, экология, ишлаб чиқариш жараёналарини автоматлаштириш ва алоқа бўлимининг бош мутахассиси Холмат Усмоновга волида муҳтарамаси

ХУРИ аянинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 261, 32634 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
 Газетхоналар билан алоқа ва мунтақада бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ

Ўз маҳсулоти бўлган МАЗ русумли огир юк автомобилларини, тиркагичларни, ярим тиркагичларни, автобусларни, махсус техникаларни (автокранлар, автокскаторлар, автобетонқорғичлар...) ва уларнинг эҳтиёт қисмларини мижозларга етказиб бериш учун буюртмалар қабул қилади ва шартномалар тузади.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

Манзил: 700005, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «8 Март» кўчаси, 57-уй. Телефонлар: 191-64-06, 191-68-94. E-mail: uzbekmaz@inbox.ru E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

РОССИЯ АВТОМОБИЛЛАРИ КРЕДИТГА ВА ЛИЗИНГГА!

Ишлаб чиқарувчи заводлар дилери «ИЖМАШТАВО» ОАЖ, «ГАЗ» ОАЖ да ишлаб чиқарилган барча турдаги моделларга буюртмалар қабул қилади ва сотади.

Мулукот учун телефонлар: Тошкентда: (99871) 132-10-35, 132-12-01; 132-03-82, 186-12-94.

«ГАЗ-31105»
 «ИЖ-2717»
 «ВАЗ-2106»
 «ГАЗЕЛЬ»

«Кулол» — олтин соврин соҳиб

Яқинда Техронда (Эрон) бўлиб ўтган халқаро анимация фильмлари кинофестивалида «Ўзбекино» Миллий агентлигининг «Ўзбекфильм» киностудияси томонидан яратилган «Кулол» фильми олтин совринга сазовор бўлди. Ўзбек фильмига ушбу нуфузли мукофот анимацияда энг яхши фалсафий мавзу учун берилди.

Фильм компьютер графикаси ёрдамида суратга олинган. Унда оддий кулолнинг мураккаб ҳаёт йўли ҳақида таъсирчан ва ўзига хос тарзда ҳикоя қилинади. Хаттоки, уруш оқибатлари туфайли кўрган азоблари ҳам устани севимли қасбидан, оддий лойдан ҳақиқий ажойиб буюмлар ясадан воз кечишга мажбур эта олмайд.

«Кулол» фильмининг сценарийи муаллифи Светлана Муродхўжаева, режиссёр Дмитрий Власов.

«ТОШКЕНТШАҒАРГАЗ»
 ХУДУДИЙ ГАЗ ТАЪМИНОТИ КОРХОНАСИ

Назоратчи лавозимига

Тошкент шаҳрида доимий рўйхатга олинган, бухгалтер, иқтисодчи мутахассислиги бўйича олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган шахсларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Мурожаат учун манзил: Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 59-а уй. Телефон: 55-53-67.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 ноябрдаги 542-сонли қарорига мувофиқ

«ЎЗБЕКТЎҚИМАШ»
 ишлаб чиқариш бирлашмаси

туғатилиши муносабати билан

Республика Кўчмас мулк биржасида бирлашманинг бино ва иншоотлари, дастгоҳ ва ускуналари, транспорт воситалари, хомашё ва тайёр маҳсулотлар захиралари ва бошқа товар моддий бойлиқларини сотиш бўйича савдолар ташкил этилади.

Манзил: Тошкент ш., У.Носир к., 53-б уй. Телефонлар: 152-21-42, 152-21-32. Тугатиш комиссияси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси Кўмита аъзоси Н. Ф. Сидқовга отаси

ГУЛОМЖОН отанинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон давлат консерваторияси жамоаси илмий-ижодий ишлаб бўйича собиқ проректор, санъатшунослик фанлари доктори, профессор

Абдуманнон Файзуллаевич НАЗАРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Республика радиоси жамоаси «Болалар ва ўсмирлар» муҳарририяти собиқ бош муҳаррир Мели Норматовга турмуш ўртоғи

ЛУТФИНИСО аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги жамоаси агентлигининг Жиззах худудий бўлими бошлиғи Илҳом Боқиевга падари буюрқовори

АБДУВАЛИ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси Фармакогнозия кафедрасининг профессори Х. Х. Холматовга акаси

Ёқин ТУРАҚУЛОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Молия институти жамоаси институти кредит-иқтисод факультети деканининг ўқув ишлари бўйича муовини

Ҳамидулло ОМОНОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғоев ҳамда Баҳодир Файзиёв томонидан саҳифаланди.

Таҳририятда ҳажми 5 қозғондан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

Т — Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Тошхирлиди — 21.10 12345

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёв. Навбатчи — М. Жонихонов. Мусахҳах — Ш. Машраббоев.